

ЗИЁЛИЛАР ТУРКИСТОН
ТАРАҚҚИЁТИНИ ЮҚСАК
БАҲОЛАДИ

2-бет



ДАВРОНЖОН ҒОИПОВ –
УНИВЕРСИТЕТ
РЕКТОРИ

5-бет

• Сиз нима дейсиз?
КЕКСАЛАРНИНГ
ҶАЛБИНИ ТИНГЛАНГ!

7-бет

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Жанубий Қозғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2021 йил 8 июль, пайшанба. №65 (2970).



ИСТИҚЛОЛ НУРИДАН МУНАВVAR ШАҲАР НУР-СУЛТАНДА ПОЙТАХТ КУНИ НИШОНЛАНДИ



1994 йилда Қозғистон Республикаси Олий Кенгашида Қозғистон Республикаси Президенти Нұрсултан Назарбаев Қозғистон пойтахтини Алматидан Ақмұлалақ күчиришиң тақлиф қилди. 1997 йил 20 октябрда пойтахтиң күчириши тұғрысыда Фармон имзоланды. 1998 йил 6 майда Ақмұла шаҳри Астана деб ўзгартирилди. 1998 йил 10 июня яңғы пойтахтнинг халқаро тақдимоти бўлиб ўтди. 2019 йил 20 марта Қозғистон Республикаси Президенти Қасим-Жұмарта Тұқаев Парламенттің құшма мажлисінде нутқ сўзлади ва Тұнгич Президент номини абадильташтириш мақсадида Астана номини Нұр-Султан деб ўзгартиришиң тақлиф қилди.

«Биз, ҳозирги ва келажак авлодлар, Президенттің сиёсий меросини ёдда сақлашимиз ва Нұрсултан Назарбаевнің тарихий фаолиятига әхтиром билан қарашимиз керак. Биз Элбошиң халқимиз ва жағон ҳамжамиятига күрсатган буюк хизматини доимо ёдда сақлашимиз керак. Бу халқимиз, айни-

са ёшлар тарихимизни эъзозлаши ва Тұнгич Президенттің шонли фаолиятига адоплати баҳо бериши учун мұхимдир. Буюк замондошимиз, Қозғистон Республикасининг Тұнгич Президенти Нұрсултан Назарбаевнің номини абадильташтириш учун пойтахт унинг номи билан Нұр-Султан деб аталиши керак. Бундай тақлиф аввалроқ Қозғистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан 2016 йил 23 науярда Парламент аъзолари томонидан қабул қылған декларацияда берилған әдіх, деди Президент Қасим-Жұмарта Тұқаев. Шу куни Қозғистон Республикаси Парламенті палаталарының құшма мажлисінде депутаттар Нұр-Султан шаҳрининг номини ўзгартириши тұғрысыда қонун қабул қылдилар. 2019 йил 23 марта Қозғистон Президенти Қасим-Жұмарта Тұқаев Қозғистон Республикаси пойтахти – Астана шаҳри номини – Қозғистон Республикасининг пойтахти – Нұр-Султан шаҳри деб аташ тұғрысыда Фармонни имзолади.

Хар йили пойтахт куни көнг нишон-

ланади. Аммо, афсуски, дунёвий коронавирус эпидемияси туфайли бу йил оммавий тадбирлар чекланды.

Шунингдек, Президент Қасим-Жұмарта Тұқаев Элбоши Нұрсултан Назарбаев ҳайкалнинг очилиш маросимида иштирок этди.

Президент рамзий тасмани қирқиб, нутқ сўзлади.

У ҳар йили Пойтахт куни арафасида шаҳар кўркига кўрк қўшадиган янги мажмуаларнинг очилаётгани, шу жумладан, Элбоши кутубхонаси, музей барпо этилиб, унинг ёнида очилган истироҳат боғи шаҳарликларнинг севимли ҳордиқ масканига айланганини таъкидлади.

– Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги доирасида бугун Элбоши Нұрсултан Назарбаев шарафига ўрнатылған тарихий ёдгорликни очмоқдамиз, – деди давлаттимиз раҳбари.

Казинформ маълумотлари асосида.

ТУРКИСТОНДА ЭЛБОШИ ҲАЙКАЛИ ҚАД РОСТЛАДИ

Туркистонда Қозғистон Республикасининг Тұнгич Президенти – Элбоши Нұрсултан Назарбаевга ҳайкал ўрнатылды. Ёдгорликнинг баландлығы – 4 метр, бронзадан ясалған. Ҳайкал муаллифи – Қозғистонда хизмат күрсатған арбоб, ҚР Рассомлар уюшмаси аъзоси Тилеуберди Бинаш.

Ёдгорлик Н. Назарбаевнинг далада тушган суратига қараб ишланған. Туркистон шаҳридаги маъмурый-тадбиркорлық марказыға ўрнатылған ҳайкал «Буюк Даشت ўғлони» деб номланған. Олиса Қоратов тизмаси гавданлантирилиб, Нұрсултан Назарбаев бепоён әкинзорга тикилиб турибди.

(Давоми 2-бетда). ►



ЭҲТИЁТКОРЛИККА ДАВЪАТ

ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИДА ЧЕКЛОВ ЧОРАЛАРИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Туркистон вилояти бош давлат санитар-шифокори томонидан минтақада карантин ва чеклов чораларини кучайтириш тұғрысыда яңғы қарор чиқарылди.

Бош санитария шифокори коронавирус инфекцияси туфайли юзага келген эпидемиология вазият барқарорлашунга қадар Туркистон вилояти худудида карантин ва чеклов чораларини кучайтиришга қарор қылды.

Энди минтақада оммавий тадбирлар: байрам, күнгилочар маданий тадбирлар, конференция, семинар, байрам концертлари, оиласи тадбирларни ўтказиш тақиқланади. Ижтимоий масофани сақлаб, ниқоб тақиши таляларига қатыый риоя қилиниши шарт.

Күнгилочар муассасаларнинг – тунги клублар, ўйин клублари, букмекерлар, болалар учун ёпик ўйин майдончалари, батут ва ат-

ракционлар фаолияти тақиқланади.


«Ашиқ» лойиҳасида иштирок этмайдиган иншоотларни бошқариш, шунингдек, күнгилочар тадбирларни ўтказиш – лойиҳада қатнашмайдиган жойларда марафонлар, күргазмалар, томошабинлар иштирокида спорт тадбирларини ўтказиш тақиқланади.

65 ёшдан ошганлар, зарурат бўлмаса, ташқарига чиқиши тақиқланади.

Ушбу қарор имзоланған кундан эътиборан кучга кирди.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

ТУРКИСТОНДА ЭЛБОШИ ХАЙКАЛИ ҚАД РОСТЛАДИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Тадбиркор Бўлатбек Алиевнинг Элбошига ҳайкал ўрнатиш ташаббусини туркистонлик фаҳрий-оқсоколлар, зиёлилар, депутатлар, ишбилиармонлар, жамоат ташкилоти вакиллари қўллаб-кувватлашган эдилар. Вилоят ҳокимига мурожаат қилган ҳамюрт-

ларимизнинг режаси Марказий давлат идоралари қўллови билан амалга ошиди. Бундан ташқари, Туркистон шаҳри ҳокимлиги ташаббусга доир маҳаллий аҳоли орасида сўровнома юритган эди. Унда 1000 киши қатнашиб, 93 фоизи ташаббуси қўллаб-кувватлашган.

Ҳомийнинг шахсий

маблаги эвазига қад ростлаган ёдгорликнинг тантанали очилиш маросимида Қозоғистон ҳалқ артисти, давлат ва жамоат арбоби Асанали Ашимов, "Фахрийлар ташкилоти" республика жамоат бирлашмаси раиси Ўмирзак Ўзганбаев, Қозоғистон Миллий Фанлар академияси президенти, академик, химия фанлари доктори, профессор Мурат Журинов, Қозоғистон Республикаси Герби муаллифи Жандарбек Малибеков, ёзувчи, ҳалқаро "Алаш" адабий мукофоти лауреати, жамоат арбоби Кўпен Амирбек, Қозоғистон Республикаси Парламент Мажлиси депутати Дархан Минбай, Туркистон вилоят "Фахрийлар уюшмаси" жамоат бирлашмаси раиси

Женисбек Мауленқұлов иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиқкан Ў. Ўзганбаев тарихий воқеага гувоҳ бўлганини яширмади.

– Вилоят аҳли, тадбиркорларнинг ташаббуси билан Туркистонда кўхна ва навқирон шаҳарнинг янги қиёфага эга бўлишида муҳим аҳамият касб этган, унинг тарихий мақомини қайтарган Нурсултан Абишули Назарбаевнинг ҳайкали очилди. Бу – мустақил давлат барпо этиб, унинг чегарасини мустаҳкамлаган, юрт тинчлиги ва осойиштагига асос солган Элбошига миннадорчиллик сифатида гавдаланди, – деди жамоат арбоби.

**Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.**



ЗИЁЛИЛАР ТУРКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИ ЮКСАК БАҲОЛАДИ

Туркӣ оламнинг маънавий пойтакти – Туркистон шаҳрида давлат арбоблари, депутатлар ва зиёлилар учрашиб, қадимий шаҳарнинг тарихий жойларини томоша қилишди.

Қозоғистон ҳалқ артисти, давлат ва жамоат арбоби Асанали Ашимов, Қозоғистон Республикаси давлат герби муаллифи Жандарбек Малибеков, "Фахрийлар уюшмаси" республика жамоат бирлашмаси раиси Ўмирзак Ўзганбаев, Қозоғистон Миллий Фанлар академияси президенти, академик, профессор Мурат Журинов, Парламент Мажлиси депутати Дархан Минбай, ёзувчи, Туркистон вилоятининг фаҳрий фуқароси Марҳабат Байғут, ҳалқаро "Алаш" мукофоти лауреати Кўпен Амирбек, ҳайкалтарош Бинаш Тилеуберди дастлаб "Сапар маркази"да бўлиб, у ердаги экспонатлар билан танишишди ва Қозоғистон тарихини намоён

естидиган видеофильмни томоша қилдилар.

– Мен Кентовда улгайдим. У пайтдаги Туркистон билан ҳозиргисини таққослаб бўлмайди. Гўзаллашиб, тубдан ўзгариб кетибди. Мусулмонлар учун иккинчи Макка ҳисобланадиган шаҳар эндиликда сайёхлик соҳасида тараққий этишига шубҳа ийӯ, – деди А. Ашимов.

– Буларнинг барчаси Элбошининг хизмати. У Туркистонга алоҳида эътибор ва меҳр билан қарайди. Туркистон шаҳар фаоллари йигилишида сўзланган нутқида «Туркистонни юксак тараққиёт ва маданият шаҳрига айлантиришимиз керак», деган вазифани илгари сурди. Шаҳарни ҳар томонлама обод қилиш дастури ишлаб чиқилди. Сўнгги уч йилда Туркистон бутунлай янги қиёфага эга бўлди. Ҳар бир бино, йўл, кўпприк лойиҳаси Тўнгич Президентимизнинг шахсан ташаббуси билан яра-

тилди ва шахсан ўзи бунёдкорлик ишларини назорат қилди, таклифлар берди. Нафақат Туркистонда, балки мамлакатимизнинг барча ҳудудларида тарихий бунёдкорликлар амалга оширилди. Президентимизнинг истеъодди, ҳалқаро миқёсдаги обрў-эътибори қайта-қайта эътироф этилмоқда. Хорижий оммавий ахборот воситаларида билдирилган фикрларнинг саногига этиш қиин.

Шундан сўнг мәхмонлар Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасини зиёрат қилишди. Янги қурилишларни кўздан кечирган мартаблии мәхмонлар маъмурий-тадбиркорлик марказида қад ростлаган "Буюк Даشت ўғлони" ёдгорлигининг очилиш маросимида иштирок этдилар.

**Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.**

● Тарихга таъзим

Арис шаҳридаги Ергўбек Маданият уйида "Туркистон тўрида: Қозоғистон Мустақиллигига 30 йил ва Элбошининг роли" мавзуида маданий тадбир ўтди.

ҚАЗАҚСТАН
тәуелсиздигине
ЖЫЛ
30

АРИСЛИК ЗИЁЛИЛАР ЯНГИ КИТОБ БИЛАН ТАНИШДИЛАР



Унда ҚР фаҳрийлар уюшмаси раиси, давлат ва жамоат арбоби Ўмирзак Ўзганбаев етакчилигидаги бир гурӯҳ зиёлилар ва шаҳар ҳокими Гулжан Қурманбекова иштироқ этди.

Утрашувда Ў. Ўзганбаевнинг "Россия Давлат Думаси ва Қозоғистон" номли беш жилдли китобининг тақдимоти ўтди. Оқсоқол рисолада узок йиллар Элбоши Нурсултан Назарбаев билан бирга фаолият юритгани ҳақида баён қилиб, Тўнгич Президент ҳақидаги хотираларини ифодалаган. Муаллиф Қозоғистоннинг бош шаҳри, пойтахтини Алматидан Астанага кўчириш борасидаги тарихий қарорига оид маълумотларни келтирган.

Арис шаҳри ҳокими Г. Қурманбекова олимни янги меҳнат маҳсулни билан муборакбод этиб, республика фаҳрийлари кенгаши раиси сифатида олиб бораётган фаолиятини ҳам муносиб баҳолади.

Маданий тадбирдан сўнг меҳмонлар Арис шаҳрида очилган "Фахрийлар маркази" ва "Тенг жамият" ижтимоий маркази фаолияти билан танишишди.

**Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.**

ЭЛ ТАЯНЧИ – ЭЛБОШИ ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИДА ИЮНЬ ОЙИДА 2000 ОИЛАГА ЁРДАМ КЎРСАТИЛДИ

Пандемия даврида аҳоли ижтимоий ҳаф滋生лигини таъминлаш масаласи ҳукуматимизнинг бош вазифаси ҳисобланади. Ижтимоий муҳофаззанинг юксак даражасини кафолатлаш, кўп меҳнат қилиш, амалдорлар ва тадбиркорларнинг ижтимоий масъулиятини ортириш зарур.

Президент давлат, жамият ва хусусий шахснинг куч-гайратини бирлаштириш ижтимоий масъулияти ва ижтимоий ҳамкорликнинг тизимили хусусиятларини мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидлади. Бу стратегик дастурлар ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш, пандемия даврида асосий вазифалар ва муаммоларни вақтида ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлади.

Давлат раҳбарини қўллаб-кувватлаш мақсадида жорий йилнинг 17 мартада "Ҳалқ" хайрия жамғармаси "Эл таянчи – Элбоши" акциясини ишга туширди, унинг доирасида таркибида ногирон болалари бор кам таъминланган оилаларга озиқ-овқат саватларини бериш кўзланган. Саватда ун, макарон, ўсимлик ёғи, дудланган гўшт, гуруч, чой, конфетлар, яъни 50 килограмм озиқ-овқат мавжуд.

Март ойида "Ҳалқ" хайрия жамғармаси фавқулодда вазият

режими ва карантин чоралари оқибатида молиявий қийинчиликка дуч келган вилоятнинг 2000 нафар кам таъминланган ва кўп болали оилаларга озиқ-овқат савати тарқатилди.

"Ҳалқ" хайрия жамғармаси иккинчи акцияси жорий йилнинг июнь ойида уюширилди. Унинг ижтимоий муҳофаза идоралари ногирон болаларни тарбиялаётган 2000 оиласида озиқ-овқат савати тарқатилди.

Мамлакатимиз фуқаролари ва бизнес ташкилотлари тадбирда фаол иштирок этиш ва "Эл таянчи – Элбоши" хайрия акциясини қўллаб-кувватлашга чақирамиз.

Мазкур акция ҳамюртлари мизнинг бирдамлигини, бир-бира га мөхр-муруватини намоён этди. Эзгу ишда ишбилиармонлар, компаниялар фаол қатнашмоқда.

"Ҳалқ" хайрия жамғармаси ташаббусини мамлакатимизнинг кўнгиллилар ҳаракати ҳам қўллаб-кувватлади. Қозоғистон Республикаси Президенти эълон қилган "Кўнгиллилар йили" доирасида улар озиқ-овқат саватларини манзилига етказишида кўмаклашади.

**Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.**

ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ ТОТЛИ МЕВАСИ

6-июль пойтахт куни муносабати билан Туркестон вилояти ҳокими Үмирзак Шүкеев туркестонликларга эзгу тилакларини билдириб, пойтахт ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашди.

Бугунги кунда Қозоғистон Республикасининг Тұнғич Президенти Нұрсултан Назарбаевнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги остида ташкил этилган пойтахтимиз Евросиё қалбидаги энг ёш ва гүзәл шаҳарлардан бири.

Элбоши “Астана аввало, бизнинг озодлігімиз рамзи, Қозоғистон янғы тарихининг ҳақиқи хроникасы, унинг жадал ривожланиши, ютуқлари, обруси, фаровонлиги ва бирлигіннің ёрқин ифодасидір”, деди.

Жорий ыйил мамлакатимиз мустақиллігіннің 30 йиллігіни шиендерді. Туркій оламнинг маңнавияй марказыга айланған Туркестон шаҳри истиқоли-



мизнинг тотли меваси дея фаҳр билан айта оламан.

Барча ҳамюрларимизни Ватанимиз юраги, мустақиллігімизнің таянчи бўлган пойтахтимизнинг таваллуд айёми билан табрилаган вилоят ҳокими


туркестонликларга мустаҳкам соғлик, оиласларига фаровонлик тилади.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.

«Буюк Даشت ўғлони» ёдгорлиги – халқнинг тилаги

Туркестон шаҳрида мамлакатимизнинг Тұнғич Президенти Нұрсултан Назарбаев шарафида қад ростлаган “Буюк Даشت ўғлони” ёдгорлиги – эл тилагининг рамзий ифодасидир. Унинг очилиш маросимида иштирок этган зиёлиларнинг айтишича, Элбоши ҳайкаларининг айнан Туркестон шаҳрида ўрнатилишида улкан маъно мүжассам.

– Мусулмонлар учун иккинчи Макка ҳисобланадиган тарихий шаҳар эндилиқда сайёхлик йўналишида янада тараққий этишига шубҳа



ватлашган эди.

Ёдгорликтин очилишида қатнашган Билол Чакижи шундай деди:

– Туркій оламнинг маңнавияй пойтахти – Туркестоннинг тараққиётiga, Қозоғистоннинг гуллаб-яшнашига улкан ҳисса кўшган Н. Назарбаев сиёсат саҳнасида алоҳида ўринга эга. Туркестон шаҳрида ёдгорлик ўрнатилиши – мустақил юртнинг чегарасини мустаҳкамлаб, Қозоқ элида тинчлик ва осоишиштарили мөхнатимизнинг мевасидир. Сўнгги уч йилда тубдан ўзгача қиёфа касб этган Туркестон шаҳрида Элбошига ҳайкал ўрнатилиши айни муддаодир. Ёдгорликка – “Буюк Даشت ўғлони” номи берилиши ҳам бежиз эмас. Бунда чуқур маъно мүжассам.

– XX аср охири ва XXI асрнинг бошида Буюк Даشتдаги улкан ишлардан бири – Нур-Султан шаҳрининг бунёд этилиши. – Элбоши муз заффариятли мөхнатимизнинг мевасидир. Сўнгги уч йилда тубдан ўзгача қиёфа касб этган Туркестон шаҳрида Элбошига ҳайкал ўрнатилиши айни муддаодир. Ёдгорликка – “Буюк Даشت ўғлони” номи берилиши ҳам бежиз эмас. Бунда чуқур маъно мүжассам. Бу эзгу ишни келажак авлод ҳам муносиб баҳолашига ишончим комил, – деди Туркестон вилоятининг фахрий фуқароларни мустақилликка Қозоғистонда бундай

тонликларга олқишимиз чексиз, – деди.

Туркестон шаҳрида Элбошига ёдгорлик ўрнатиш түғрисидаги ташаббуси май ойида ўтган “Туркестон – туркій оламнинг маңнавияй пойтахти: интеграцияйи ва ҳамкорлик истиқболлари” мавzuидаги ҳалқаро анжуманда мәрзуза қилган ТУРКСОЙ ташкилоти Баш котиби ўринген боларни тақирибни қонунийдир. Ҳар қандай эзгу тадбирларни амалга ошириш турили дин, тил, миллат вакилларини бирлаштиради.

йўқ. Муборак шаҳарда хонлар, буюк алломаларимиз дағын этилган. Туркестон – ёдгорликлар шаҳри бўлиши кепрак. Абу Наср ал-Форбийдан бошлиб барча файласуфларимиз бир-бирини тўлдириб туриши зарур, – деди Қозоғистон халқ артисти Асанали Ашимов.

Қозоғистон Миллий Фанлар Академияси Президенти, академик Мурат Журинов эса:

– Туркестон бутунлай ўзгариб кетибди. Элбошига ёдгорлик ўрнатилиши – барчанинг эзгу тилаги. Ташаббуси кўллаб-куватлаган туркис-



кўламдор бунёдкорлик ишлари юритилмаган. Шу сабабли, мен буни оддий ёдгорлик, деб ўйламайман. Бу 30 йил мобайнидаги мөхнатимиз, ютуғимиз, деб биламан, – деди Давлат Герби муаллифи Жандарбек Малибеков.

– ХХ аср охири ва XXI асрнинг бошида Буюк Даشتдаги улкан ишлардан бири – Нур-Султан шаҳрининг бунёд этилиши. – Элбоши муз заффариятли мөхнатимизнинг мевасидир. Сўнгги уч йилда тубдан ўзгача қиёфа касб этган Туркестон шаҳрида Элбошига ҳайкал ўрнатилиши айни муддаодир. Ёдгорликка – “Буюк Даشت ўғлони” номи берилиши ҳам бежиз эмас. Бунда чуқур маъно мүжассам. Бу эзгу ишни келажак авлод ҳам муносиб баҳолашига ишончим комил, – деди Туркестон вилоятининг фахрий фуқароларни мустақилликка Қозоғистонда бундай

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



МУРУВВАТ ТОТУВЛИККА УНДАЙДИ



Вилоят ҳокимлигидаги мажлислар залида Туркестон вилояти ҳокими Үмирзак Шүкеев Қозоғистон Халқи Ассамблеяси Туркестон вилоят бўлими сессиясида нутқ сўзлаб, меҳр-мурувват ўйлида амалга оширилаётган ишлар, фидоий инсонлар ҳимматига тўхтади. Минбарга вилоят ҳокимидан сўнг кўтарилган доимий жамоатчи обуначимиз Райимжон Қўчқоров ўзи раҳбарлик қилаётган “Улес” жамоат жамғармаси фаолияти ҳақида аҳборот берди. Куйида ушбу маърузани эътиборингизга ҳавола қиласиз.

– Ҳурматли сессия иштирокчилари. Мен Райимжон Саттор ўғли туркій олам пойтахти – Туркестон шаҳрида истиқомат қиласиз. Миллатим ўзбек. Бугунги фаровон замонда Туркестон шаҳрида 17-сони Отатурк номли мактаб-гимназиясида тарих фани ўқитувчиси сифатида фаолият юритмоқдаман. Барчанизни ҚР Мустақиллігининг 30 йилліги билан муборакбод этаман.

Қозоғистон Республикасининг Тұнғич Президенти Н.А.Назарбаев Қозоғистон Халқи Ассамблеясининг 26-сессиясида элимиздаги меҳр-мурувват тадбирларини ташкил этишини вазифа қилиб кўйган эди. Ҳиммат, мурувват инсониятни эзгуликка йўналтиради. Давлат осоишиштарили, тотувлиги, келажагини ўйлайдиган фуқароларнинг элга, она заминга хизмат қилиши жамиятнинг ҳар бир эзгулигига жонкуярлик билан қараши қонунийдир. Ҳар қандай эзгу тадбирларни амалга ошириш турили дин, тил, миллат вакилларини бирлаштиради.

Минтақамизда хайрия тадбирларининг сони тобора ортиб, салмоқли аҳамиятга эга бўлмоқда.

Хусусан, вилоят кўламида 2019 йили 398 хайрия тадбирлари ташкил этилиб, умумий қиймати 211,9 млн. тенге кўламида аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож табақаси, Улуғ Ватан уруши фархийлари, кўп фарзандли оналар, имконияти чекланган фуқароларга ҳомийлар, хусусий тадбирларни амалга ошириш турили дин, тил, миллат вакилларини бирлаштиради.

2020 йили Туркестон вилоят Қозоғистон Халқи Ассамблеяси билан “Ижтимоий тараққиёт” идораси ташкилотчилигида вилоят бўйича жами 35198 оиласа 162658170 тенге миқдорида хайрия ёрдами кўрсатилди. 2020 йили элимизда ўрин олган пандемия туфайли вилоят Қозоғистон Халқи Ассамблеяси билан этномаданият бирлашмаси ташкилотчилигида “Биз биргамиз” акцияси ўюнтирилди. Акция доирасида ижтимоий кам таъминланган ва кўп фарзандли оиласлар, УВУ фархийлари озиқ-овқат маҳсулотлари, тиббий ниқоблар ва антисептик воситалар билан таъминланди.

Райимжон Қўчқоров, “Улес” жамоат хайрия жамғармаси раиси, республика “Олтин юрак” номинацияси соҳиби.

Мамлакатимизда ҳафта ичида —

ҲАРБИЙ СОҲАДА ҲАМКОРЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Қозоғистон ва Ўзбекистон Миллий гвардияси аскарлари қўшма машғулотлар ўтказади

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси кўмандони генерал-майор Рустам Жўраев бошчилиги-даги делегациянинг хизмат ташрифи якунланди, дея хабар беради Қозоғистон Миллий гвардияси матбуот хизмати.

Қардош республика-нинг ҳарбий делегацияси Қозоғистон Республикаси Миллий гвардияси олий кўмандонлигига учрашув ўтказиб, брифинг ташкил қилинди.

ҚР Миллий Гвардияси Бош кўмандони генерал-лейтенант Руслан Жақсиликов меҳмонларга ҳарбий тузилма, амалга оширилаётган тадбирлар ва соҳанинг истиқболлари ҳақида батағсил маълумот берди. Бундан ташқари, жамоат ҳавфсизлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги қўшма машғулотлар каби масалалар муҳокама қилинди.

Учрашувда делегация раж-бари генерал-майор Рустам Жўраев Қозоғистон-Ўзбекистон муносабатлари чуқур тарихий илдизларга ва умумий маънавий қадриятларга эга бўлган ҳалқларимизнинг дўстлиги ва биродарлиги билан мустаҳкамлани бораётганини таъкидлади.



— Биз стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларимизни аниқ амалий мазмун билан тўлдириш нуқтаи назаридан Қозоғистон билан икки томонлама алоқаларни янада чуқурлаштиришдан манфаатдормиз. Шу билан бирга, Ўзбекистон мудофаа ва минтақавий ҳавфсизлик соҳасида Қозоғистон билан ҳам ҳар томонлама ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканлигини таъкидламоқчиман, — деди Р. Жўраев.

Нур-Султан шаҳрига ташрифи давомида ўзбекистонлик ҳарбийлар Қозоғистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий-техник институти ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳамкорлик тўғрисида Меморандум тузиш масаласи муҳокама қилинди.

Қозоғистон ва Туркия аэрокосмик ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилдилар



Қозоғистон Бош вазири-нинг ўринбосари – Ташқи ишлар вазири Мухтар Тлеуберди «Turkish Aerospace Industries» (TAI) аэрокосмос ва мудофаа-саноат компанияси бош директори Темел Ковтил билан учрашди, дея хабар беради Қозоғистон Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати.

Томонлар Қозоғистон ва TAI ўртасидаги ҳамкорлик истиқболларини, шу жумладан, компаниянинг машинасозлиқ, саноат ва аэрокосмос соҳаларидаги лойиҳаларида

иштирок этишини, шунингдек, қўшма ишлаб чиқариш ва инновациявий технологиялар майдонини ташкил этиш имкониятларини муҳокама қилдилар.

Т. Ковтил қўшма сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини таъкидлаб, икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболларига тўхтади. Учрашув якунлари бўйича самарали ҳамкорликни давом этириш юзасидан келишувга эришилди.

TAI – маҳсус интеграциялашган тизимларини лойи-

ҳалаш, тайёрлаш ва ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган етакчи турк аэрокосмик компанияси. Компания ноёб ускуналарни ишлаб чиқарувчи йирик ҳалқаро компаниялар учун ишлаб чиқариш майдон-часидир ва 5ta асосий бизнес йўналишида фаолият юритади: самолётлар, вертолётлар, учувчисиз ҳаво воситалари, космик тизимлар, аэротузилмалар.

Қозоғистон ва жаҳон ахборот агентликлари маълумотлари асосида.

ИСТИҚБОЛЛИ МАҚСАДЛАР, САМАРАЛИ УЧРАШУВЛАР

Ахборот ва ижтимоий тараққиёт вазири БМТнинг Қозоғистондаги доимий вакили билан учрашди

Қозоғистон Ахборот ва ижтимоий тараққиёт вазири Аида Балаева БМТнинг Қозоғистондаги доимий вакили Микаэла Фриберг-Стори билан учрашди. Бу ҳақда вазирликнинг матбуот хизмати хабар берди.



Суҳбат давомида А. Балаева БМТнинг Қозоғистондаги доимий вакилига вазирлик томонидан назорат қилинадиган йўналишларда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот берди. Ўз навбатида, Микаэла Фриберг-Стори вазирлик фаолиятига юксак баҳо берди ва БМТнинг 27 агентлиги номидан ҳамкорлик лойиҳаларни кўллаб-куватлашга тайёрлигини маълум қилди.

Аида Балаева БМТ вакилига Ижтимоий ишонч миллий кенгаши ҳақида ҳам муфассал ахборот берди.

— Миллий кенгаш тингловчи давлат тамоилии асосида ишлашда давом этади, — деди у. — Олдинда жамият беради. Шунингдек, вазир ишлатилмай ётган 7 миллион гектар ялов давлатга қайтарилганини ҳам тилга олди. Ижтимоий ишонч миллий кенгаши Қозоғистон жамиятида фикрлаш эркинлиги ва фикрлар хилма-хиллигига чекловлар йўқлигини кўрсатди.

Шунингдек, у Қозоғистон БМТга аъзо бўлганигинанг 30 йиллигини нишонлашга тайёргарлик ҳақида ахборот берди.

Учрашув якунлари бўйича томонлар самарали ҳамкорлик қилиш, шу жумладан қўшма лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олдилар.

Қозоғистон ИИВ ва Ўзбекистон Миллий гвардияси ҳамкорлик тўғрисида битим имзолади



Қозоғистон Ички ишлар вазири Ерлан Турғумбаев Қозоғистон Республикаси Миллий гвардиясига хизмат сафари билан келган Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси кўмандони Рустам Жўраев билан учрашди.

ҚР Ички ишлар вазирлиги матбуот хизматининг хабар беришича, учрашувда идоралараро ҳамкорликнинг долзарб масалалари ҳамда уларни янада ривожлантириш имкониятлари муҳокама қилинди.

Қозоғистон Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Миллий гвардияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Ушбу ҳалқаро шартнома икки идора ўртасида жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини таъминлаш, терроризмга қарши операциялар, шунингдек, кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳуқуқий асос бўлади.

Томонлар келишув икки томонлама ҳамкорликка янги турти беришига ишонч билдириди.

ЗАВҚЛИ МЕҲНАТ СУРУРИ



Жорий йилда "Жанубий Қозоғистон" вилоят ижтимоий-сийесий газетаси 30 йиллигини нишонламоқда. Нафакат таҳририят жамоасининг, балки барча газетхонларимиз, жонкуярларимиз, 12 мингдан зиёд обуначиларимиздан миннатдормиз. Уларнинг сафини кенгайтиришида, обунани уюштиришда тадбиркорлар, фидойиларимиз, заковатли ёшлар ва нафақадорлар, халқ ноиблари фаоллик кўрсатишмоқда. Газетамизни севиб мутолаа қиливчилар, таҳририятимизга сим қоқиб, ўз мулоҳазаларини билдириб, муаммолари билан мурожаат қилаётган юртдошларимиз кўп.



Обунада фидойилик кўрсатаётган ҳамюрларимиздан бири мамлакатимиздаги йирик тадбиркор Нурали Абишев. Нурали Алмаханули еттинчи чақирик Туркистон вилоят маслаҳатининг аграр соҳа, ер муносабатлари ва табиатдан фойдаланиш масалалари бўйича доимий комиссиясининг раиси.

Нурали оға халқ ноиби сифатида вилоятнинг ижтимоий-иктисодий тараққиёти йўлида залворли ишларни амалга ошироқда. Айни дамда "АГРО-У", "Берте-Милка" МЧБларнинг директори. Ёдингизда бўлса, 2018 йили Элбоши Нурсултан Назарбаев Қозоғистон халқига йўлланган Мактубида вилоятимиздаги

"Берте-Милка" компаниясининг ютуқларига алоҳида тўхтатган эди: "2022 йилга келиб қишлоқ хўжалигининг қайта ишланган маҳсулотлари экспортини ва меҳнат унумдорлигини 2,5 баравар ошириш асосий вазифа. Туркистон вилоятида "Берте-Милка" МЧБ янги замонавий технологиялардан фойдаланиш туфайли меҳнат унумдорлигини 2 баравар оширишга муваффақ бўлди", – деган эди учрашув чоғида Н. Назарбаев.

Бу билан Элбоши ишбильармон депутат фаолиятига юксак баҳо берганди. Н. Абишев қишлоқ хўжалиги, мамлакатимиз иқтисодиёти равнақига қўшган улкан ҳиссаси учун "Кўрмет" ва "Парасат" орденлари билан тақдирланган.



Н. Абишев ўз сайловчилари билан учрашиб, муаммоларини ҳал этишда фаоллик кўрсатиб келмоқда. Вилоят депутатидан ёрдам сўраб келган ҳамюртимиз борки, мурожаати эътиборсиз

қолмайди. У савоби мўл, хайрли ишлари билан элга танилиб улугурган фидойи инсон. Халқ ноибининг тизимли турда ўтказётган хайрия тадбирлари мўл, эҳтиёжманд кишилардан

саҳоватини аямайди. Нурали Алмаханули газетамизга ҳам обунани уюштириб, уларни кам таъминланган оиласларга бепул тарқатиша жонбозлик кўрсатяти.

Бугун завқли меҳнат суруридан сармасст фидойи жонкуярларимизнинг таваллуд айёми. Саховатпеша ишбильармоннинг саъй-ҳаракати туфайли 20дан зиёд хонадон "Жанубий Қозоғистон"ни доимий равишда мутолаа қилиш баҳтига муяссар бўляпти. Нурали Алмаханулини таваллуд айёми билан қутлар эканмиз, унга сиҳат-саломатлик, ишларида зафарлар тираймиз. Миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссасини юксак баҳолаймиз.

Мунира САЪДУЛЛАЕВА.

● Обуначиларимиз орасида

"БИРЛИК" ДОИМ ГАВЖУМ

Туркистон шаҳрининг ибратли фуқароси, тадбиркор, жамоатчи-обуначимиз Худойберган Холматовнинг "Бирлик" чойхонасидамиз.

Олтмиш олти ёшни қаршилаётган Худойберган ака узоқ йиллар Туркистон йўловчиларни ташиш автокорхонасида пешқадам ҳайдовчи сифатида самарали меҳнат қилди. Мукофотлар билан тақдирланди. Одамларнинг узогини яқин, оғирини енгил қиласиган тажрибали ҳайдовчи учун энг юксак мукофот эса – йўловчиларнинг миннатдорчилиги. Вилоят маслаҳатининг сабиқ депутати, газетамиз жонкуяри, "Жолауши" МЧБ асосчиси Рахим Танирбергенов 3 йил муқаддам, пайғамбар ўшига тўлиши муносабати билан ёзилган дастурхонда дўсти Худойберган Зиёш ўғли ўзининг кўп йиллик қадрдан хамкаси эканлигини фарҳ билан таъкидлаб, ўринбосари Аваз Айметов билан бирга эҳтиром билан унинг кифтига тўнг ёлган эди.

Худойберган Зиёш ўғли оиласи, фарзандлари билан "Нилуфар", "Бирлик" тамаддихоналарини очиб, мижозлар таҳсинасига сазовор бўлди. Ҳозир "Бирлик" тамаддихонасининг ёзги қисми ҳам мижозларга хизмат кўрсатмоқда. Хўрандалар бу ерда овқатланиб, ҳордиқ чиқаради. Жазираамада тонг шудринги каби пуркалаётган салқин сув дилга ором баҳш этади. Шаршаралар манзараси акс этган экран эса асаби чарчаган мижозлар учун ўзига хос муолажа.



– Бугун эрталаб отам ўрнида ота, қадрдан акам Эркин Қолимбетов келиб биринчи бўлиб таваллуд куним билан муборакбод этди. Кўнглим тоғдек ўсади. Кўп йил транспорт соҳасида меҳнат қилдим. Мустақиллик йилларида хусусий тадбиркорлик билан шуғулландим. Туркистонимиз вилоят туризм, зиёрат маркази мақомига эга бўлди. Қадим ва навқирон шаҳримиз туркий оламнинг маънавий пойтакти бўлгани эса ҳар бир фуқаронинг қалбидаги ғурур ҳиссиси ўйғотиб, юксак масъулият юклайди. Туркистонга келаётган сайёхлар, меҳмонлар ва зиёратчиларни сифатли таом билан таъминлаш эса бош мақсадимиз, – дейди Худойберган Зиёш ўғли.

Худойберган ака умр йўлдоши, жорий йили пайғамбар ўшини қаршилаётган Раҳбар Амин қизи билан қобил фарзандлар – Алишер, Шухрат, Абдумуталлиб, Анвар, Акмалларни тарбиялаб, келинлари Се-

вара, Шаҳноза, Нигора, Гулноз, Шаҳзодалар уларнинг иззату хизматида, 18 нафар шириншакар неваралар даврасида умргузаронлик қилишмоқда.

Фарзандлари – тадбиркорлик касбини танлашган, Туркистон шаҳри равнақига ҳалол меҳнати билан муносаби ҳисса кўшиб келишмоқда.

Худойберган аканинг умр йўлдоши Раҳбар Амин қизи фарзандлари, шу даргоҳда

меҳнат қилаётган аҳил жамоа номидан умр йўлдоши, Худойберган Зиёш ўғлини олтмиш олти ёши муносабати билан самимий муборакбод этади.

"Жанубий Қозоғистон" вилоят ижтимоий-сийесий газетаси таҳририяти ҳам Худойберган акага энг самимий тилакларини йўллаб, тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятига муваффақиятлар тилаб қолади.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Муаллиф тасвири.

● Хушхабар

ДАВРОНЖОН ФОИПОВ – УНИВЕРСИТЕТ РЕКТОРИ

2021 йил 1 июлдан эътиборан Туркистон шаҳрининг муносаби фарзанди, истеъододли олим Давронжон Эркин ўғли Фоипов Алматидаги Сулеймен Демирел номидаги университет ректори этиб тайинланди.

Давронжон Фоипов Собир Раҳимов номли ўрта мактабни аълога тамомлаб, А. Яссавий номидаги Халқаро қозоқ-турк университетининг инглиз тили факультетини, Алматидаги Аблайхан номидаги Қозоғистон Халқаро муносабатлар жаҳон тиллари университетининг магистратурасини ҳамда Евроосиё Гуманитар институтининг докторантурасини муваффақиятли тамомлаган.

Фарзандлари – тадбиркорлик касбини танлашган, Туркистон шаҳри равнақига ҳалол меҳнати билан муносаби ҳисса кўшиб келишмоқда.

Худойберган аканинг умр йўлдоши Раҳбар Амин қизи фарзандлари, шу даргоҳда

меҳнат қilaётган аҳил жамоа номидан умр йўлдоши, Худойbergan Zиёш ўғлини олтмиш олти ёши муносабати билан самимий муборакбod этadi.



кур университетда академик ишлар ҳамда илмий тадқиқотлар бўйича проректор бўлиб ишлади. Оиласи. Тўрт фарзанднинг отаси.

Ушбу хушхабар муносабат билан ректорнинг ота-онаси, доимий обуначиларимиз, олий тоифали шифокорлар Эркин ҳамда Зайтуна Фоиповларни иқтидорли фарзандлари эришган юксак зафар билан самимий муборакбod этamiz.

Ш. МАДАЛИЕВ.

ЯНГИ КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

Вилоят марказида минерал сув маҳсулотларини ишлаб чиқаридаги "Яссави су" корхонаси ишга туширилди.

